



**ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛИК
МАСАЛАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

Сулаймонов Нуриддин Зокирович

*Божхона қўмитаси Ташкилий-назорат, хизмат фаолиятини
таҳлил қилиш ва баҳолаш бошқармаси бош инспектори*

E-mail: sulaymonovnuriddin1986@gmail.com

Аннотация. *Замонавий иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, корпоратив бошқарувнинг шаффофлиги ҳамда ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш борасида аудиторлик фаолиятининг роли тобора ортиб бормоқда. Жаҳон амалиётида аудиторлик фаолияти касбий малакасини тасдиқловчи халқаро сертификатлар тизими шаклланган бўлиб, улар орасида молиявий аудит, ички аудит ҳамда ахборот тизимлари аудити йўналишларида ихтисослашган нуфузли халқаро ташилотлар мавжуд. Мазкур ташилотлар аудиторлик сертификатини олиш бўйича Ўзбекистон олий таълим муассасаларида меморандум имзолаш гоёси илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *аудит, аудитор, халқаро ва миллий сертификатлар, меморандум.*

Ўзбекистонда бошқа касблар сингари аудиторлик фаолияти кенг ривожлarmoқда.

1-жадвал



Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти

Сертификат номи	Қўллаш соҳаси	Малака талабларини белгилайдиган НХХ	Амал қилиш муддати ва ким томонидан берилади
Аудиторнинг малака сертификати	Аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини беради	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун (3–боб)	Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан* – дастлаб 5 йил, 10 йил ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилади.
Ички аудитор сертификати	Тадбиркорлик субъектларининг ички аудит хизматида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради	05.05.2021 й. 280–сон ВМҚ (тижорат банклари ва бюджет ташкилотларига таъбиқ этилмайди)	Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан * – дастлаб 5 йил, 10 йил ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилади.
Ички аудиторнинг миллий малака сертификати	Вазирликлар ва идораларнинг ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат	13.02.2023 й. 62–сон ВМҚ	Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан дастлаб 4 йил муддатга берилади, кейинчалик

	молиявий назорати инспекциясининг ички аудит хизматида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради		унинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилади.
--	--	--	--

Мутахасислик малака сертификатига эга бўлиш учун номзод ҳужжатларни аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари – Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси (www.naaa.uz) ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси (www.auditpalata.uz) томонидан ташкил этилган Бухгалтерлар ва аудиторлар имтиҳон марказига топширади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-677-сон) 2021 йил 25 февралда қабул қилинган бўлиб, мамлакатда аудиторлик хизматлари бозорини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Қонунда лицензиялаш бекор қилинди ва аудиторлик фаолияти лицензияланадиган фаолият турлари таркибидан чиқарилди. Эндиликда аудиторлик ташкилотлари фақат белгиланган реестрга киритилгандан сўнг ўз фаолиятини бошлаши мумкин.

Халқаро стандартларга ўтишда аудиторлик текширувлари фақат Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС / ISA) асосида амалга оширилади.

Мажбурий аудит мезонлари бўйича акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари ва давлат улуши бўлган йирик корхоналар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт.



Малака сертификати эгаси жаҳон тан олган халқаро бухгалтерия ёки аудит сертификатларига эга бўлган шахслар миллий сертификат олиш учун имтиҳон топширишдан озод этилган.

Мамлакатимизда аудиторлик сертификациясининг жорий ҳолати бўйича ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш ва миллий аудиторларни сертификатлаштириш вазифасини иккита асосий институт амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Аудиторлар палатаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ички ва ташқи аудитор малака сертификатларини беради ҳамда IFACнинг уюшган аъзоси сифатида ХАС/ISA асосида малака ошириш курсларини ташкил этади.

Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP) эса бухгалтерлар, молия менежерлари ва аудиторларни бирлаштирувчи нисбатан янги миллий ташкилот бўлиб, шу жумладан CAP/CIPA каби рус тилидаги халқаро дастурларни тарғиб қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда ACCA дипломи, айрим халқаро тренинг марказлари орқали CISA, CIA сертификатларига тайёрловчи курслар ташкил этилмоқда. Бироқ буларнинг барчаси хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистондаги вакиллик дастурлари бўлиб, халқаро мақомга эга эмас.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилсак, энг йирик ва нуфузли аудиторлик CPA (*Certified Public Accountant*) ва CFE (*Certified Fraud Examiner*) сертификатини тақдим этувчи ташкилотлар халқаро молиявий аудит, ички аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларида ихтисослашган бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар сифатида дунёда тан олинган.

2-жадвал

**Молиявий аудит, ички аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларида
ихтисослашган нуфузли халқаро ташкилотлар**

Ташкилот	Ташкил этилган йил	Асосий сертификат(лар)	Йўналиши
IIA — The Institute of Internal Auditors (Ички аудиторлар институти)	1941 й., Лейк Мэри, АҚШ	CIA (Certified Internal Auditor), CRMA, QIAL	Ички аудит, рискларни бошқариш, корпоратив бошқарув
AICPA — American Institute of CPAs	1887 й., АҚШ	CPA (Certified Public Accountant)	Молиявий ҳисобот аудити, солиқ, бухгалтерия
ACCA — Association of Chartered Certified Accountants	1904 й., Лондон, Буюк Британия	ACCA диплом (Молия ва бизнесни бошқариш)	Халқаро бухгалтерия ва молиявий аудит
IFAC — International Federation of Accountants	1977 й., Нью-Йорк, АҚШ	Аъзо ташкилотлар орқали (халқаро	Бухгалтерлар ва аудиторларнинг умумжаҳон федерацияси,

Ташкилот	Ташкил этилган йил	Асосий сертификат(лар)	Йўналиши
		стандартлар — ISA, ХАС)	стандартларни уйғунлаштириш
ACFE — Association of Certified Fraud Examiners	1988 й., Остин, АҚШ	CFE (Certified Fraud Examiner)	Молиявий фирибгарликни аниқлаш ва тергов қилиш
CIPFA — Chartered Institute of Public Finance and Accountancy	1885 й., Лондон, Буюк Британия	CIPFA дипломи	Давлат молияси ва давлат сектори аудити

Энг йирик ва нуфузли халқаро аудиторлик ташкилотлари ҳақида маълумот бериш, унга ўхшаш фаолият юритувчи бошқа халқаро ташкилотларни таҳлил қилиш, Ўзбекистонда мавжуд миллий аудиторлик ва ухгалтерия институтларини ташкил этиш имкониятларини асослаш муҳимлигича қолмоқда.

Уларнинг барчаси мустақил, нодавлат касбий уюшма шаклида ташкил этилган бўлиб, аъзолик бадаллари, имтиҳон тўловлари ва ўқув дастурлари ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда халқаро аккредитациядан ўтган имтиҳон тизимига эга.

Мазкур сертификатларни олиш учун номзод камида 3–5 йиллик амалий тажрибага эга бўлиши, малака имтиҳонидан ўтиши ва ҳар йили узлуксиз касбий малака ошириш (CPE) талабларини бажариши шарт.

Илмий таклиф сифатида миллий сертификация ташкилотини ташкил этишда, юқорида келтирилган таҳлил шуни кўрсатадики, ISACA, ИА, АССА, АICPA каби халқаро аудиторлик ташкилотлари барчаси мустақил касбий уюшма сифатида ташкил топган, ўзининг билим негизи, этика кодекси ва имтиҳон тизимига эга бўлган ҳамда бир неча ўн йиллик ривожланиш йўлини босиб ўтган.

Хулоса ўрнида шу айтиш мумкинки, Ўзбекистонда Аудиторлар палатаси анъанавий молиявий аудит ва бухгалтерия соҳаларида фаолият юритса-да, халқаро ташкилотлар билан аъзолик меморандуми шартномаси тузилмаган. Натижада мамлакатимиз аудиторлари халқаро даражада мутахассислик сертификатига эга бўлиш имконияти мавжуд эмас.

Мисол учун аудит бўйича ISACA ташкилотининг CIA сертификати мутахассислиги бўйича Аддис Абеба, Ал-Нафи, Нагасаки, Миллий Тайпеи Университети каби 51 та мамлакат олийгоҳлари билан меморандум имзолаган.

Ўзбекистонда халқаро аудиторлик сертификатига эга бўлиш учун аудиторлар хорижда таълим олиш ва имтиҳон синовларини топширишга тўғри келмоқда.

Шу муносабати билан таклиф сифатида, келгусида халқаро аудиторлик ва бухгалтерия ташкилотлари (ISACA, АССА, ICAEW каби) билан меморандум имзолган ҳолда аъзолик бадаллари, имтиҳон тўловлари, ўқув дастурлари бўйича келишувга эришиш орқали Ўзбекистонлик халқаро экспертлар сонини ошириш чораларини кўриш,

шунингдек, Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқув дастурлари ва малака имтиҳонларини ташкил этиш, халқаро ташкилотлар (ISACA, ИА, IFAC) билан меморандум асосида ҳамкорлик ўрнатиб, миллий сертификатнинг халқаро эътирофига эришиш, давлат ва хусусий сектор корхоналарида ахборот тизимлари ички аудитини тартибга солиш меъёрий базасини такомиллаштиришда иштирок этиш муҳим ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ISACA расмий веб-сайти — www.isaca.org (About Us, Newsroom бўлимлари).
2. The Institute of Internal Auditors расмий веб-сайти — www.theiia.org.
3. International Federation of Accountants расмий веб-сайти — www.ifac.org.
4. Association of Chartered Certified Accountants расмий веб-сайти — www.accaglobal.com.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг расмий маълумотлари — uzaudit.uz.
7. Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси — acfp.uz.
8. NORMA.UZ ва BUXGALTER.UZ ахборот-таҳлилий порталлари материаллари.

